

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR


DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



ОКТЯБРЬ

№45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
9-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-9**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-9**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 21 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1. Асранов Абдурасул Хошимжанович ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	7
2. Турсунов Улугбек Сотиволдиевич ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ.....	10
3. Хасанхонова Нодира Исаметдиновна ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ИНДЕКСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ.....	12
4. Fayzulloh Sattoriy DAVLAT QARZINING IQTISODIY O‘SISHGA TA’SIRI TAHLILI.....	14
5. Маматов Акмалжон Анваржонович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ МУНОСАБАТИНИ ТАКО- МИЛЛАШТИРИШ: ЯНГИ МИЖОЗ ВА БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ- НИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	15
6. Karimova Aziza Abduvaxob qizi MARKAZIY OSIYO MINTAQALARIDA TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA BUGUNGI KUNDA MAVJUD MUAMMO VA YECHIMLAR.....	20



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Асранов Абдурасул Хошимжанович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини таянч докторанти
Телефон: +998 90 348 56 49 gafuribragimov@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада олий ўқув юртлари фаолиятини назорат қилиш, унинг усуллари, унинг ўзигша хос хусусиятлари, назорат усуллари ва уни ташкил қилиш масаласи, унинг муаммолари ва ечимлари таҳлил қилинган ва тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: олий ўқув юртлари, университет, бюджетдан олинган маблағ, харажат, назорат, ички аудит, бюджет маблағлари, назорат турлари.

ANNOTATION: In this article, the control of higher educational institutions, its methods, its unique features, control methods and its organization, its problems and solutions are analyzed and relevant conclusions and suggestions are given.

KEYWORDS: higher education institutions, university, funds received from the budget, expenditure, control, internal audit, budget funds, types of control.

КИРИШ

Жаҳонда содир бўлаётган ўзгаришлар, шу жумладан таълим тизимидаги ислохотлар уларни ўзини маблағ билан таъминлаш тизимига ўтиши. уларнинг даромади таркибига таъсир қилмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йил апрель ойидаги ҳисоботида кўра, «Пандемия ва инқироз шароитида ривожланган мамлакатларда бюджет харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини ташкил қилиб, давлат секторидаги ташкилотлар бандликни таъминлаш нуктаи назаридан энг катта иш берувчи ҳисобланиши таъкидланган»¹. Дунё амалиётида давлат секторидаги ташкилотларни молиялаштириш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши бевосита уларнинг ҳисобини самарали ташкил этиш ҳамда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг шаффофлиги билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бюджет ижроси ҳисоби ва ҳисоботини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари асосида ривожлантирилиши ва уларни фаолиятини назорат қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва назорат тизимини янада ривожлантириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Шу жумладан 2022 йил 1 январгача “Давлат аудити” дастурий комплекси ишга туширилди. Унга кўра: бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларда ўтказилган барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари “Давлат аудити” дастурида рўйхатга олиниб, ушбу соҳада амалий ишлар қилинмоқда. Шунингдек Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда таълим тизими билан боғлиқ кўплаб муаммолар

¹ International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>



пайдо бўлиши(товламачилик, ҳисобни юритишдаги камчиликлар, пул маблағларини ўзлаштирилиши), ушбу жараёнларни ҳисобини ташкил қилиш ва унинг назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, унинг аудити, фаолият таҳлили масалаларига эътибор қаратилиши, ҳисобни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилинишига қаратилган кўплаб ислохотларнинг олиб борилаётганлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини таъминлайди. Айниқса Глобал пандемия шароитида бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, асосий тамойиллари, усуллари ва хусусиятлари тўғрисида соҳа олимлари ўртасида турли хил қарашлар мавжуд.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари юзасидан сметалар ижроси ҳар бир маблағларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатларнинг режа кўрсаткичларига нисбатан бажарилишининг назоратига эътибор қаратилади. Бунда, молиявий назоратнинг асосий кўрсаткичлари олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметалари касса методи бўйича, яъни ташкилотларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларига пул маблағларининг тушуми даромад ва ҳисобварақлардан пул маблағларининг ўтказилиши харажат сифатида ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг ўзида эса, сметаларнинг ижроси ҳисоб ва касса усулига асосан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича дастлаб даромадлар ва улар билан боғлиқ дебиторлик мажбуриятларнинг молиявий назоратини амалга оширади. Бунда молиявий назоратда муҳим масала дебиторлик мажбуриятларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига келиб тушиши натижасида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича пул маблағларининг кўпайиши ҳисобини молиявий назорати амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар режасининг бажарилиши даромадларга ўхшаш тарзда ғазначиликда касса методи асосида қайд этилади. Яъни, ташкилотларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларнинг сарфланиши харажат сифатида ҳисобга олинади. Бюджет ташкилотларида эса, ҳисоблаш методига асосан бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар дастлаб тан олиниб ҳисобга олинади. Шахсий ғазна ҳисобварақлардан маблағларнинг сарфланиши дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар натижаси сифатида қайд этилади ва касса харажат сифатида эътироф этилади. Бунда, ғазначиликда ҳам, бюджет ташкилотларида ҳам сметаларнинг ижроси режага мувофиқ амалга оширилиши талаб этилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда муддатлари ҳам молия органи томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

ХУЛОСАЛАР

Олий ўқув юртларида бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича тасдиқланган сметалар доирасида амалга ошириладиган молиявий назоратида уларнинг келиб тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти мавжудлиги, тасдиқланган ҳажмларга нисбатан ошганлигини молиявий назоратда текшириш муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида бюджет ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида кўпайтириш, фаолият учун зарур бўлган харажатларни қисқа муддатда амалга ошириш ва ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларни тасарруф қилиш ва бошқариш бўйича имконияти янада кенгайтирилади;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/monitor-april-2020>.
2. Ибрагимов А., Сугурбаев Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма бошқарув ҳисоби.- Т.: «infoCOM», 2010. 263б.



3. Ibragimov A.K. Banklarda buxgalteriya hisobining milliy va xalqaro standartlari. /A.K.Ibragimov, M.D.Marpatov, N.K.Rizaev.– Т.:Moliya, 2016.–370 б.
4. Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. –Т.: “VNESHINVESTPROM” 2021. 183 б.
5. Бакайбаева А.С. Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш йўллари. иқт. фан. фал. док. дис. автореферати. –Т.: 2020. – 52 б.;
6. Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). иқт. фан. фал. док. дис. автореферати. –Т.: 2018. – 54 б.;



ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Турсунов Улугбек Сотиволдиевич

Наманган муҳандислик-технология институти
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
Телефон: +998 90 348 56 49 gafuribragimov@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада лизинг компаниялари фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш, унинг усуллари, унинг ўзига хос жиҳатлари, аудит усуллари ва уни ташкил қилиш, унинг ташкилий асосларининг муаммолари ва ечимлари таҳлил қилинган, тегишли хулосалар берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: лизинг компанияси, аудиторлик текшируви, харажатлар аудити, даромадлар аудити, лизинг фоизлари аудити, лизинг тўловлари назорати.

ANNOTATION: In this article, the audit of leasing companies, its methods, its specific aspects, audit methods and its organization, problems and solutions of its organizational foundations are analyzed, relevant conclusions are given.

KEYWORDS: leasing company, audit, expense audit, revenue audit, lease interest audit, lease payment control.

КИРИШ

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида лизинг операциялари дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўламда қўлланилаётган энг самарали молиявий хизмат турларидан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, охириги 15 йил давомида ривожланган мамлакатларда лизинг операцияларининг умумий ҳажми 5 мартага ошганлиги кузатилди. Бу эса лизинг дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодийида муҳим ўрин эгаллаганлигини ва бугунги кунда ҳам ушбу молиявий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини кўрсатади.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Ўзбекистон Республикасида ҳам лизинг муносабатларининг ривожланишига катта эътибор берилмоқда. 2019 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, янги лизинг операциялари ҳажми 1.189 трлн. сўмни ташкил этиб, лизинг операцияларининг умумий портфели 4,351 трлн. сўмдан ошиб кетди, бироқ ушбу ҳажмга Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг умумий портфелидаги 967 млрд. сўмлик портфелини қўшадиган бўлсак янада ҳажм кўп эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасида лизинг бозорининг таҳлили 29 та лизинг компаниялари ва 15 тижорат банклари томонидан лизинг фаолияти билан фаол шуғуллангани кўришимиз мумкин.

Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида лизинг муносабатларини ривожлантириш, унинг ҳисоби ва ҳисоботини ва уларни фаолиятини аудиторлик текширувини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда лизинг компанияларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга уйғунлаштириш ҳамда ташқи аудит методикасини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олиш лозим. Ушбу масалада юқоридаги масалалар жумласига қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1) бухгалтерия ҳисобини юритиш методикасини стандартларга мослаштириш, лизинг компанияларида ички назоратни такомиллаштириш;

2) аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган усулларни такомиллаштириш, лизинг иштирокчиларини фаолиятига халқаро талаблар асосида таҳлилин ташкил этиш ва баҳолаш;

3) лизинг операцияларини аудитини амалга ошириш харажатларини қисқартириш ва даромадларни ошириш масаласига катта эътибор қаратиш лозим;

4) Ўзбекистон Республикасида лизинг операцияларини хусусиятлари ва халқаро амалиёт тажрибаси асосида чет эллик ҳамкорлар учун тушунарли ахборотларни етказиб бериш тартибини асослаш, лизинг операциялари бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларни жорий этиш ва уларни халқаро амалиётда мавжуд бўлган тартибга молиявий



ҳисобот кўрсаткичларини мослаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

ХУЛОСАЛАР

Лизинг компанияларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда аудиторлик текширувларини амалга ошириш, улар амалга оширишда аудиторлик далиллари, аудиторлик таҳлилий амалларини, аудитда танлаш доирасида амалга ошириладиган аудит назоратини асосида текшириш муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида лизинг компаниясининг харажатлари ва улрнинг сметалар бўйича амалга ошириладиган харажатларни уларнинг қоплаш манбалари доирасида назорат қилиш ва уларни тежамли сарфлаш йўллари аниқлаш ва улардан фойдаланиши муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хашимова А.Т. Организация и проблемы учета лизинговой деятельности (на примере лизинговой компании «Узавтосаноат-Лизинг» автореф. Дисс.на соиск.ученой степени к.э.н.Ташкент:БФА, 2011.-24б.
2. Утанов Т.Н. Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. И.ф.н., илмий даражасини олиш учн ёзилган дисс.автореферати. Тошкент:БМА, 2009.-24б.
3. Қулжанов О.М. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. И.ф.н., илмий даражасини олиш учн ёзилган дисс.автореферати. Тошкент:БМА, 2005.-24б.
4. Ibragimov A.K. Banklarda buxgalteriya hisobining milliy va xalqaro standartlari. /A.K.Ibragimov, M.D.Marpatov, N.K.Rizaev.– T.:Moliya, 2016.–370 b.
5. Ibragimov A.K., Tursunov U. Peculiarities of the accounting balance in modern management system.// International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 10 Issue 02, February 2020 ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ИНДЕКСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ

Хасанхонова Нодира Исаметдиновна,
Тошкент молия институти, “Иқтисодиёт”
кафедраси доцент в.б., PhD
телефон: +998909579204
xasanxonova@mail.ru

Аннотация: Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг техник ривожланиш даражаси илгарилаб борган даврда иқтисодий билимлар индексини таҳлил қилиш мамлакат ривожланишининг энг камчилик нуқталарини аниқлашдир. Шу сабабли мазкур мақолада индекс чуқур таҳлил қилиниб, мамлакатимизда билимлар иқтисодиётини жорий этишда механизмини қайси тарафдан ривожлантириш очиб берилган.

Калит сўзлар: билимлар иқтисодиёти, иқтисодий билимлар индекси, иқтисодиётнинг технологиялашув даражаси, илмсифимкорлик, АКТ инфратузилмаси, таълим тизими.

Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини шакллантиришда навбатдаги таҳлил кўрсаткичларидан бири иқтисодий билимлар индексидир. Билимлар иқтисодиёти индекси дунёнинг мамлакатлари ва минтақаларида билимларга асосланган иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи кенг қамровли кўрсаткичдир. У 2004 йилда Жаҳон банки гуруҳи томонидан «Ривожланиш учун билим» махсус дастури (билимларнинг ривожланишдаги ўрни) доирасида мамлакатларнинг билимларни яратиш, қабул қилиш ва тарқатиш қобилиятини баҳолаш учун ишлаб чиқилган¹. Ҳозирги кунда бу индекс UNDP ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ўрганилмоқда. UNDP уни таълим индексини таҳлил қилиш орқали, Европа тикланиш ва тараққиёт банки эса махсус иқтисодий тикланишга муҳтож давлатлар қаторида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Индекс давлатлар томонидан ўз сиёсатларидаги муаммоли ҳолатларни таҳлил қилиш ва мамлакатнинг билимларга асосланган ривожланиш моделига ўтишга тайёрлигини ўлчаш учун мўлжалланган², деб тахмин қилинган. Бу ўринда билимлар иқтисодиёти индексини таҳлил қилсак, у ўз ичига 109 хил иқтисодиётнинг сифат даражасини тавсифловчи 4 та индексни олган:

- институционал ва иқтисодий тизим индекси (ўз ичига иқтисодий очиқлик, бизнес муҳитини ва бошқарувни олади);
- таълим индекси (ўз ичига умумий ва ихтисослашган кўникмаларни олади);
- инновациялар индекси (ўз ичига инновацияга кириш, чиқиш ва алоқаларни олади);
- АКТ инфратузилмаси индекси (ўз ичига АКТнинг мавжудлиги ва АКТнинг мураккаблигини олади).

Европа тараққиёт ва реконструкция банки томонидан аниқланадиган иқтисодий билимлар индекси бўйича уч давлатнинг маълумотлари қуйидаги жадвалда келтирилган (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

**Иқтисодий билимлар индексининг таҳлили³
2020 йил ҳолатига**

Кўрсаткич-лар/ мамлакат-лар	Иқтисодий билимлар индекси	Институцио-нал ва иқтисодий тизим индекси	Таълим индекси	Инновация-лар индекси	АКТ инфратузил-маси индекси
Ўзбекистон	3,28	1,03	6,17	3,51	2.40

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибтики, иқтисодий билимлар индексини яхшилаш

¹ <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index>

² <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index>

³ Introducing the EBRD knowledge Economy Indeks. European bank for Reconstruction and Development. March 2019. - p.8.



бўйича Ўзбекистонда қилиниши зарур бўлган ишлар хали бор, унинг таркибий қисмлари орасида миллий иқтисодиётда институционал ва иқтисодий тизим индекси ҳамда АКТ инфратузилмаси индекси кўрсаткичлари кўшни давлатлар билан таққослаганда пастрок кўрсаткичга эгадир. Уларнинг таркибида таълим индекчи кўрсаткичи энг баланд бўлиб 6,17 ни ташкил этган. Шунингдек, маълумотларни таҳлил қилиш осонроқ бўлиши учун Иқтисодий билимлар индексининг йиллар бўйича ўзгариш ҳолатларини ҳам таҳлил қилиб кўрамиз (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

Иқтисодий билимлар индексининг динамикаси¹

Йиллар/ мамлакатлар Ўзбекистон	2000	2005	2012	2018	2019 ²
	3,25	3,31	3,14	3,82	3,28

2.4-жадвалда кўрсатилган иқтисодий билимлар индекси шу тўрттала индекснинг ўртачаси, уларнинг ҳар бир индекси 1 дан 10 гача балл билан баҳоланади. Балл қанчалик 10 га яқинлашса, мамлакат жаҳонда шу кўрсаткичлар бўйича шунчалик тан олинганлигини кўрсатади. 2000 йилда Ўзбекистон мазкур индексда 3,25³ ни ташкил қилган эди, ҳозир у 0,03 даражада кўтарилганлигини кўрамиз. Таркибан таҳлил қилганда эса, институционал-иқтисодий тизим, АКТ инфратузилмаси ва инновацияларни қўллаш олиш ҳолати пастрок инновацион тизим яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Тадқиқотларимиз иқтисодий билимлар индексиде акс этган пастр кўрсаткич куйидаги талабларга жавоб бермаганлиги ҳисобига юзага келганлигини кўрсатди: таълимни маҳсулот кўринишида қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда бундай интеллектуал товар хали ҳам сифат даражаси пастр, бу эса жаҳон миқёсидаги жозибаторлиги, рақобатбардошлиги даражасини таъминламай олиш эҳтимолини камайтирмоқда; таълимларнинг яратилаётган инновация ёки АКТлар билан боғлиқлик ҳолати пастр. Мазкур узвийлик пастрлиги иқтисодиётни креативлик ёки конструктивлик билан тўлдирилиши ҳолати ҳам пастрламоқда.

Юқоридаги индекснинг таҳлили бизга шуни берадики, фан, таълим ва улар асосида шаклланган инновацияларни янада уйғунлаштириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа иқтисодий тармоқларга қўллаш ҳамда боғлаш Ўзбекистон учун асосий масалалар сифатида турибди. Бу ўрина инновацион иқтисодиёт бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимини ривожлантириш, сифатли ўсишни фан орқали жорий этиш ва албатта, бу ўринда иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг юксак маданий ҳолатига эришишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index>
2. <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index>
3. Introducing the EBRD knowledge Economy Indeks. European bank for Reconstruction and Development. March 2019. - p.8.
4. <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index/knowledge-economy-index-info>, <https://gtmarket.ru/news/state/2006/08/30/197>, <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index/knowledge-economy-index-info> – Гуманитарний портал сайти маълумотлари ва Introducing the EBRD knowledge Economy Indeks. European bank for Reconstruction and Development. March 2019. P.8 асосида аниқланди.
5. https://en.wikipedia.org/wiki/Knowledge_Economic_Index.
6. <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index/knowledge-economy-index-info> Гуманитарний портал сайти маълумоти асосида.

¹ <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index/knowledge-economy-index-info>, <https://gtmarket.ru/news/state/2006/08/30/197>, <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index/knowledge-economy-index-info> – Гуманитарний портал сайти маълумотлари ва Introducing the EBRD knowledge Economy Indeks. European bank for Reconstruction and Development. March 2019. P.8 асосида аниқланди.

² https://en.wikipedia.org/wiki/Knowledge_Economic_Index.

³ <https://gtmarket.ru/ratings/knowledge-economy-index/knowledge-economy-index-info> Гуманитарний портал сайти маълумоти асосида.



DAVLAT QARZINING IQTISODIY O‘SISHGA TA’SIRI TAHLILI

Fayzulloh Sattoriy

Toshkent Kimyo Xalqaro Universiteti,
“Moliya” kafedrası katta o‘qituvchisi
e-mail: sattoriy.fayz97@gmail.com

ANNOTATSIYA. Deyarli barcha mamlakatlarda davlat qarzi mavjud bo‘lib, tashqi davlat qarzi iqtisodiy rivojlanishni belgilashda muhim rol o‘ynaydi. Davlat qarzi universal hodisa bo‘lib, barcha mamlakatlarda uchraydi va qisqa va uzoq muddatda iqtisodiyotga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu ishda davlat qarzi va iqtisodiy o‘sh o‘rtasidagi bog‘liqlik tahlil qilingan.

KALIT SO‘ZLAR: davlat ichki qarzi, davlat tashqi qarzi, iqtisodiy o‘sh, kapital.

Davlat qarzining kelib chiqish sabablari, uning miqdoran oshib yoki kamayib borishi har bir mamlakatning iqtisodiy siyosati, islohotlar qamrovi va dinamikasi bilan uzviy bog‘liq. Oxirgi o‘n yillikda dunyo mamlakatlarida tashqi qarzga bo‘lgan talab nisbatan oshganligi hamda davlatlar o‘rtasida bu borada tafovutlar kuchayganligining bir qancha sabablari bor. Ulardan eng muhimlari sifatida jahon moliyaviy inqirozining kelib chiqishi, ayrim mamlakatlarda ijtimoiy muammolarning keskinlashuvi, iqtisodiy xavfsizlik masalalari, iqtisodiy qudrat bilan ijtimoiy talablar o‘rtasidagi nomutanosibliklar, moliyaviy manbalardan noo‘rin foydalanish natijasida byudjet taqchilligining oshib ketishi, favqulodda vaziyatlar, xususan, koronavirus pandemiyasi kabi omillarni keltirish mumkin [1]. Deyarli barcha mamlakatlarda davlat qarzi mavjud bo‘lib, tashqi davlat qarzi iqtisodiy rivojlanishni belgilashda muhim rol o‘ynaydi. Davlat qarzi universal hodisa bo‘lib, barcha mamlakatlarda uchraydi va qisqa va uzoq muddatda iqtisodiyotga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi [2].

Davlat qarzining manbalari ichki va tashqi davlat qarzlaridir. Hukumat qarz oladigan ichki davlat qarzlarining manbalariga jismoniy shaxslar, banklar, tadbirkorlik firmalari va boshqalar kiradi. Tashqi qarz manbalari esa xorijiy tijorat banklari, XVF, Jahon banki kabi xalqaro moliya institutlari va boshqa davlat hukumatlari chet el valyutalaridir. Tashqi qarz iqtisodni rag‘batlantirish uchun ishlatilishi mumkin, ammo har doim mamlakatda katta qarz yig‘ilsa, davlat xarajatlari va valyuta tushumlarining katta qismi qarzga xizmat ko‘rsatishga yo‘naltirilishi mumkin [3]. Klassik iqtisodiy nazariyalariga ko‘ra, davlat qarzi taqchillikni moliyalashtirishni aks ettiradi va shuning uchun qisqa muddatda yalpi talab va ishlab chiqarishni rag‘batlantiradi, lekin uzoq muddatda kapitalni siqib chiqaradi va ishlab chiqarishni kamaytiradi [4]. Haddan tashqari ortiqcha tashqi qarz barqaror iqtisodiy o‘sh va qashshoqlikni kamaytirishga to‘sqinlik qiladi [5].

Davlat qarzi iqtisodiyotga bir necha kanallar orqali ta’sir ko‘rsatadi. Davlat qarzining yuqori darajasi uzoq muddatli foiz stavkalari, kelajakdagi soliqqa tortish, inflyatsiya, nisbatan noaniqlik tufayli kapital to‘planishi va o‘shiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Qarz inqirozining o‘ta og‘ir holatlarida, kredit yoki valyuta inqirozini keltirib chiqarish orqali bu ta’sirlarni kuchaytirish mumkin. Yuqori tashqi qarz, shuningdek, kontratsiklik fiskal siyosat doirasini cheklashi mumkin, bu esa yuqori iqtisodiy o‘shning yanada pasayishiga olib kelishi mumkin. Neoklassik o‘sh nazariyasiga ko‘ra, davlat qarzining o‘shishi fiskal taqchillik tufayli o‘shning sekinlashishiga va yangi barqaror holatga o‘tish yo‘lida o‘shning vaqtincha pasayishiga olib keladi, endogen o‘shda esa yuqori davlat qarzi doimiy iqtisodiy pasayishiga olib keladi.

Forydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Nazarov Sh., (2021). Davlat qarzini boshqarish - dolzarb vazifa. Xalq so‘zi online axborot portal
2. Kumar, M. and Woo, J., (2015). Public debt and growth. *Economica*, 82(328), 705-739.
3. Wijeweera, A., Dollery, B. E., & Pathberiya, P. (2007). Economic growth and external debt servicing: a cointegration analysis for the case of Sri Lanka. *Indian Journal of Economics & Business*.
4. Elmendorf, D. W., & Mankiw, N. G. (1999). Government debt. *Handbook of macroeconomics*, 1, 1615-1669.
5. Ajayi, L. B., & Oke, M. O. (2012). Effect of external debt on economic growth and development of Nigeria. *International journal of business and social science*, 3(12), 297-304.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ МУНОСАБАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЯНГИ МИЖОЗ ВА БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Маматов Акмалжон Анваржонович,
“Агробанк” АТБ HR департаменти бизнес-тренери
Телефон: +998 (99) 602 79 49
Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

Анотация. Мазкур мақолида тижорат банклари миқозларининг турлари, улар билан ишлашдаги асосий муаммо ва вазифалар, янги миқоз жалб этиш усуллари, салоҳиятли миқозлар ишлаш йўллари ёритилган. Шунингдек, тижорат банклари миқозлар билан ишлаш муносабатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Банк миқозлари, салоҳиятли миқоз, бозор таҳлили, мулоқот, янги миқоз, сифатли хизмат, диагностика.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти жадал ривожланаётган даврда банк тизими амалиётида долзарблигича қолаётган миқозлар билан ўзаро алоқани ўрнатиш муаммоси банкларнинг рақобатбардошлигини тасвирловчи муҳим омиллардан бири саналади. Тан олиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз аҳолисининг молиявий маданияти ҳам унчалик юқори эмас. Банк хизматига мурожаат қиладиган барча миқозлар ҳажмидан қатъи назар, уларга юқори сифатли хизмат кўрсатилади, деб ҳисоблайдилар.

Миқоз билан биринчи мулоқотга киришишда банклари учун асосий вазифа, у банкларнинг доимий содиқ миқозни бўлиб қоладими – “Унга бирламчи хизмат кўрсатиш банкка фойда келтирадими?”, “Уни ушлаб қолишга зарурат борми?” каби саволларга жавоб олишдир [1].

Муваффақиятли фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар ўртасидан банкка янги миқозларни жалб этиш бўйича ишлар банкларнинг миқозни сиёсати даражаси билан белгиланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, банклари учун “эски” миқозни ушлаб туриш унга истиқболли янги миқозларни излаб топиш ва уларни жалб этишга нисбатан кам харажатли бўлади. Агарда миқозлар кўламини доимий равишда кенгайтириб, уларни жалб этиш ва ушлаб туриш борасидаги кўникмалар яхшиланиб борилмаса, у ҳолда банк ўз имижини ва пиривардида оладиган фойдасини йўқотаверади.

Тижорат банклари учун миқозлар бизнесида қуйидаги тўртта муҳим вазифа амал қилади:

- миқозни жалб этиш;
- уни ушлаб туриш;
- ривожлантириш;
- кераксиз (фойда келтирмайдиган) миқозлардан воз кечиш.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, миқозлар билан ишлаш тизимида уларни жалб этиш биринчи ўринда туриши бежиз эмас. Таниқли мутахассис Питер Друкер таъкидлашича, янги миқозларни жалб этиш шунинг учун зарурки, бу жараёнда янги миқозларни жалб этиш билан боғлиқ масалалар ечимига банк фаолиятини йўналтиришни мажбурлаш, шу асосда банк таркибий тузилмаси, ходимлари, умуман, банк фаолиятини жонлантириш келиб чиқади [2].

Бинобарин, банклари жалб қилинадиган маблағ ҳажми билан биргаликда янги миқозга банк хизмати ва маҳсулотини сотишдан келадиган наф ҳам қизиқтиради. Миқозларни жалб этиш кўп харажат талаб этадиган тадбир ҳисобланади. Баъзи маълумотлар шуни кўрсатадики, миқоз бизнесининг бошқа шакллари нисбатан (масалан, миқозни ушлаб туришга) миқозни жалб этиш харажати 2-3 баробар юқори [3]. Миқозни жалб этиш технологияси мутахассисларни тайёрлаш, тегишли ташкилотларни излаб топиш, мулоқотлар олиб бориш, янги миқозларнинг кўникиши ҳамда салоҳиятли миқоздан ижобий қарор олишдаги юқори хатар даражасини баҳолаш каби бир қанча муҳим босқичларни ўз ичига олади.

Миқозларни жалб этиш босқичи ўта муҳим бўлганлиги сабабли унга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Миқозларни жалб этиш бўйича олиб борилиши лозим бўлган барча ишларни қуйидаги тарзда олиб бориш яхши натижа беради:

1. Миқозни жалб этишга тайёргарлигини баҳолаш босқичи.



2. Келгусида олиб бориладиган мулоқотга тайёргарлигини баҳолаш босқичи.

3. Мижозни жалб этиш натижасини баҳолаш босқичи.

Бу уч босқич ўз навбатида қуйидаги фазаларда олиб борилади:

- a) Мижозларни жалб этишга тайёргарлик;
- b) Бозор таҳлили ва салоҳиятли мижозлар жойини қидириш;
- c) Салоҳиятли мижоз қадрини баҳолаш;
- d) Салоҳиятли мижоз билан биринчи алоқани ўрнатиш;
- e) Самарали ишчан мулоқотлар олиш бориш;
- f) Мулоқотдан кейинги жараён
- g) Натижа, ҳисобот, рағбатлантириш.

Юқоридаги мижозларни жалб этиш жараёнининг муваффақиятли яқун топиши, жараённи амалга оширишнинг кетма-кет босқичларини технологик тарзда кўрсатишга боғлиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда қулайлик туғдиради. Бундан ташқари, бундай йўналиш банкка янги мижозларни жалб этиш менежери учун кадамли мансаб йўриқномасини (иш харитаси) тузиш имконини ҳам беради. Ушбу йўриқномани ишлаб чиқиш учун жараённинг ҳар бир босқичини амалга ошириш йўлларини тегишли тестлар, мижозни бизнес-баҳолаш услубияти, менежерни маълумот билан таъминлаш механизми кабилар илова қилинадиган кўринишда атрофлича баён этилиши зарур.

Мижозни жалб этиш қуйидагиларни ўз ичига олади: маълумот таъминоти бўйича тайёргарлик; ташкилий жиҳатдан тайёргарлик; мижозни қидириш ва жалб этиш бўйича менежернинг психологик тайёргарлиги.

Биринчи икки ҳолатда гап менежернинг тайёргарлиги ҳақида, шунингдек, банкда янги мижозларни излаб топиш ва жалб этиш билан шуғулланувчи ташкилий бўлинмалар ишини ташкил этиш ҳақида боради. Ходимлар тўғрисида гап борганда эса (яъни, мижозларни жалб этиш бўйича юқори малакали банк ходимлари гуруҳидан ташкил топган менежерлар ҳақида), менежер тайёргарлиги даражаси уларнинг малакаси билан аниқланади. Юқори малакали менежер тайёрлаш учун қуйидаги таклиф ва тавсияни берамиз: бунда мутахассисни ушбу соҳада ишлаш хоҳишини билдирганлар орасидан танлаш йўли билан аниқлаш ва тайёрлаш лозим. Бошқа жойдан жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Танланган менежер малакаси махсус курсларни ўқитиш бўйича босқичма-босқич тарзда амалга оширилади. Шунингдек, фикримизча, мижозларни жалб этиш бўйича юқори малакали менежернинг ахлоқий томонларига, ҳалол ва виждонлигига ҳам эътибор бериш лозим.

Янги мижозларни жалб этишда менежерни психологик тайёрлаш ўта муҳим жараён саналади. Менежерни бу каби ҳолатга тайёрлаш тегишли машқлар тизими билан белгиланиб, пайдо бўладиган муаммоларни олдиндан психолог мутахассис билан ечиш. Бундан ўз хатти-ҳаракатини моделлаштириш каби масалалар машқига таянилади. Бу жараёнда мутахассиснинг ўзини тута билиши муҳим аҳамият касб этади, сурбет ва ўзига бино қўймаслик, аммо ўта уятчан ва журъатсиз ҳам бўлмаслик талаб этилади. Менежернинг мижозга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлиши кўзланган мақсадга эришиш гарови саналади.

Салоҳиятли мижозлар бозорини таҳлил қилишда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш технологияси банк соҳасида ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у қуйидагилардан иборат бўлади:

- банк товaрини ҳис этмаслик;
- мижоз эҳтиёжининг айнан хизмат кўрсатишда қондирилиши;
- банк филиалининг қандай хизмат кўрсатиш турларини таклиф этиши эмас, балки унга хизмат кўрсатиш имконияти берилган банк хизматини қандай амалга ошириши;
- хизмат кўрсатиш муваффақиятининг дастлаб салоҳиятли мижозни излаб топиш ва мижоз талабини қондирган ҳолда юқори сифатли хизмат кўрсатиш сифатига боғлиқлиги.

Салоҳиятли мижозларни излаб топиш икки усулда олиб борилади: тўғридан-тўғри (банк менежерининг тўғридан-тўғри салоҳиятли мижоз билан мулоқоти орқали) ва эгри (оммавий ахборот воситалари, PR-акцияси ёрдамида ва бошқа йўллар ёрдамида салоҳиятли мижоз билан мулоқот олиб бориш)[4].

Янги мижозларни жалб этишнинг тўғридан-тўғри шаклларида қуйидагилар киради:

- ушбу банкда олдиндан муваффақиятли хизмат кўрсатилаётган мижозлар орқали янги мижозларни жалб этиш;



- оммавий ахборот воситаларида компанияларнинг муваффақиятли фаолияти ҳақида берилган маълумотлар орқали;
 - махсус ташкил этиладиган кўргазмалар, симпозиумлар, анжуманларда мижозларни жалб этиш;
 - янги фирмалар, компаниялар ташкил этилишини рўйхатга олувчи муассасалар маълумотлари асосида мижозларни жалб этиш;
 - шаҳар, ҳудуднинг сиёсий ва ижтимоий соҳаларда ташкил этиладиган йиғинлари маълумотлари асосида мижозларни жалб этиш;
 - банк ходимлари қариндошлари орқали янги мижозларни жалб этиш;
 - жалб этиш бўйича менежернинг шахсий алоқалари орқали мижозларни жалб этиш;
 - касодга учраган банклар мижозларини қўлга киритиш орқали мижозларни жалб этиш;
 - банкнинг қўшимча (молиявий бўлмаган) хизматлари ишлари орқали мижозларни жалб этиш;
 - бозорга яхши мослашган буюртмачилар ва истеъмолчилар орқали мижозларни жалб этиш;
 - салоҳиятли мижозга мақсадли хат йўллаш (direct-mail деб номланувчи тизим) орқали мижозларни жалб этиш;
 - банк етакчи-менежерлари ёрдамида мижозларни жалб этиш.
- Ушбу шаклларда мижозни қидириш тартиби қуйидагича бўлади:
1. Салоҳиятли мижозларни аниқлаш. Бу ҳақдаги маълумотларни менежерлардан, бошқа ходимлардан олиш мумкин.
 2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернетда бизнесни кенгайтириш учун банк хизматларига муҳтож, самарали фаолият юритаётган корхоналарни аниқлаш.
 3. Кўргазма, симпозиум, анжуманларда иштирок этувчи хўжалик юритиш субъектлари рўйхатини олиш.
 4. Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги маълумотларни тегишли ташкилотлардан олиш.
 5. Сиёсат доирасидан кетаётган шахслар ҳақида, уларнинг кейинги фаолиятида бизнес билан шуғулланиши ҳақидаги тегишли маълумотларни тўплаш.
 6. Банк қизиқадиган, тижорат таркибий тузилмалари билан яқиндан таниш бўлган банк ходимларининг қариндошларини аниқлаш.
 7. Менежерлар томонидан барча дўстлар, қариндошлар, танишлар, ҳамкорлар билан сўровномалар ташкил этиш.
 8. Муаммоли банклар, компаниялар тўғрисида маълумотга эга бўлиш.
 9. Мижозлар учун банк асосий фаолиятдан ташқари бўлган фаолиятлар (маслаҳат бериш, ўқитиш, тижорат соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқалар) тўғрисида эълонлар бериш.
 10. Етарлича қизиқиш уйғотадиган салоҳиятли мижозлар тўғрисида маълумотлар базасини тўплаш.
 11. Банкка яқин ҳудудларни аниқлаш.
 12. Аниқланган салоҳиятли мижозларга ҳамкорлик тўғрисида хатлар юбориш.
 13. Мижозлар билан банк ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича учрашувлар ташкил этиш.
 14. Аҳдлашувни амалга ошириш.
- Бозорни комплекс тадқиқ этиш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш йўналишлари, усуллари ва услублари илмий адабиётларда кенг миқёсда ёритилган[5]. Аммо, таъкидлаш жоизки, уларда асосан ишлаб чиқариш корхоналари истеъмол бозорларининг ўзгариш жиҳатлари ифодаланган. Хизмат кўрсатишнинг банк соҳаси истеъмол бозорини ўрганиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги боис, ўз тадқиқотларимизда унга алоҳида эътиборни қаратамиз.
- Биринчи навбатда, банкнинг салоҳиятли мижозлар бозори тадқиқотлари билан ким шуғулланишини аниқлаб олиш зарур. Бунда, таъкидлаш зарурки, маркетинг тадқиқотларини олиб боришда банкнинг мавжуд мижозлари фаолияти эмас, балки янги жалб этилиши лозим бўлган мижозлар фаолияти тадқиқ этилиши талаб этилади. Бу эса, анча сермеҳнат жараён саналади. Энг яхши вариант, банкда эътиборли ахборот-таҳлил маркази бўлишини тақозо этади. У тегишли бўлинмаларга мижозлар ҳақида зарур ахборотни бериб туради. Бу каби



марказларда етук мутахассисларнинг фаолияти талаб этилади. Улар буюртма берилган маълумотни қаердан, қандай ва қайси ҳажмда олиш тўғрисида тўлиқ кўникмага эга бўлиши лозим. Банкнинг маълумотга буюртма бериш бўлинмалари эса бу каби маълумотларга буюртмалар беришда аниқ бир тартибда иш олиб бориши талаб қилинади. Бунда буюртма ўлчами, муддати, ҳажми, мазмуни, ишончлилиқ даражаси, манбаи кабилар кўрсатилиши лозим.

Салоҳиятли мижозлар бозорини таҳлил қилиш муаммосини ҳал этишнинг иккинчи варианти мижозлар билан мулоқот олиб бориш бўлими ўз ахборот-таҳлил бўлинмасига эга бўлиши саналади. Амалиётга кўра, бу нисбатан самарали йўл ҳисобланади: махсус тор ихтисослик соҳасида маълумот тўплаш учун мутахассислар эътиборини бир жойда бир муаммони ҳал этишга жамлаш юқори натижаларни беради. Таъкидлаш жоизки, бу вариант нисбатан кўп харажат талаб қилувчи вариант саналса-да, аммо юқори самарага эришиш, бу каби харажатларни қоплашга имконият беради.

Учинчи йўл, ушбу бозор таҳлили билан мижозларни жалб этиш бўйича менежернинг тўғридан-тўғри шуғулланиши саналади.

Салоҳиятли мижозлар бозори таҳлили асосан, бундай мижозлар қуйидаги маълумотларга эга бўлишни тақозо этади:

а) мижозларнинг муваффақиятли фаолият, яъни салоҳиятга эгаллиги ва келажаги порлоқлиги;

б) имкониятлари ва банкмизга мижоз сифатида ўтиш иштиёқи.

Бу каби маълумотлар базаси салоҳиятли мижозлар ҳаракатини ҳисобга олишни (менежерлар учрашувларини таҳлил қилиш, бошқа банкка ўтиши ҳақида аҳдлашувларни ўрганиш) талаб этади. Самарали фаолият юритаётган банк ва ташкилотларни истиқбол нуқтаи назардан эгаллаш учун бу каби тармоқ корхоналари фаолиятини иқтисодий самарадорликка эришиш нуқтаи назаридан доимий мониторинг қилиш мақсадга мувофиқ. Бу банкнинг мижозлар тўғрисидаги маълумотлар базасига салоҳиятли мижозларни киритиш имконини беради. Бу эса, уларни жалб қилиш бўйича мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш ва аниқ бир технология асосида иш олиб боришни таъминлайди.

Салоҳиятли мижозлар тўғрисидаги маълумотлар базасини самарали юритиш учун мижозлар базасидаги йўқотишларни таҳлил қилиш шарт. Ҳар бир йўқотилган мижоз бўйича унинг кетиш сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқ, шунингдек, салоҳиятли мижоз билан мулоқот олиб бориш жараёнида юзага келган муаммоларни таркиблаштириш ва таҳлил қилиш зарур.

Мижозлар базасини ривожлантириш жараёнига самарали фаолият юритаётган корхоналарни жалб этиш зарур. Банкнинг мижозлар базасида муаммоли ташкилотлар пайдо бўлишига қизиқиш қузатилмайди. Мижозларни диагностика қилиш борасида банкнинг салоҳиятли мижози – компаниянинг молиявий, ташкилий ва сотиш салоҳияти тўғрисида маълумот бера оладиган иккита амалий усулни айтиб ўтамиз:

1. Стационар таҳлил.

2. Мижознинг тезкор бизнес-диагностикаси.

Стационар таҳлил ўрганилаётган салоҳиятли мижознинг молиявий кўрсаткичлари асосида стационар шароитда маркетингнинг “кабинет” тадқиқотларини қўллаган ҳолда экспертлар гуруҳи томонидан амалга оширилади[6]. Тўғри, бунда молиявий жиҳатдан баҳолаш (баланс кўрсаткичлари бўлганда) қийинчилик туғдирмайди. Лекин мижознинг ишлаб чиқариш-бошқариш ва савдо соҳасидаги салоҳиятини баҳолаш баъзи мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бунда ташкилий-ишлаб чиқариш тавсифига эга асбоб-ускуналарнинг эскириш даражаси, бизнес-режа мавжудлиги, маҳсулот сифатини назорат қилиш тизими амал қилиши, менежерлар малакаси даражаси, меҳнат қиймати ва шу каби бошқа кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мижозларнинг хизмат кўрсатилгандаги талабининг қондирилиш даражасини аниқлаш ҳам мураккаб жараён саналади[7].

Мижоз ҳолатини стационар таҳлил қилишда ҳаракатлар кетма-кет амалга оширилади. Бу жараён асосан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳисобот материаллари, корxonанинг ҳисобот материаллари ва маълумотномалардаги баланс материалларини қайта ишлаш орқали олиб борилади. Шундан сўнг банкда қизиқиш уйғотадиган корхона, ташкилот ҳақида чуқур таҳлил олиб бориш учун зарур бўладиган маълумотлар бошқа манбалардан



қидирилади. Улар жумласига назорат қилувчи органлар: солиқ, хўжалиқ судлари, патент ташкилотлари, божхона, транспорт компаниялари, хизмат кўрсатувчи банклар, биржалар, суғурта компанияларидан олинган маълумотлар киради. Бу мақсад учун биз салоҳиятли мижозлар тўғрисида нолегал маълумотларни тўплашни маслаҳат бермаймиз. Шунинг назарда тутамизки, ўрганилаётган салоҳиятли мижознинг расмий ҳисобот материаллари фойдали маълумотлар олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Васин Ю.В., Лаврентьев Л.Г. Эффективные программы лояльности. Как привлечь и удержать клиентов / 3-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. 63-бет.
2. Владиславлев Д.Н. Как организовать клиентскую службу банка. – М.: Ось-89, 2004.34-бет.
3. Кендра Ли. Создание клиентской базы: пошаговое руководство по превращению контактов в деньги / Пер. с англ. – М.: Вершина, 2006.14-бет.
4. Ахунова С.Н. и др. Стратегия бизнеса: учеб. пособ. – Т.: ТГЭУ, 2007.43-бет.
5. Аакер Д., Кумар В. и др. Маркетинговые исследования: 7-е изд. / Под ред. Божук С.; Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2004. 848-бет; Алимов Р., Жалолов Ж., Ҳотамов И., Ақромов Т.. Маркетингни бошқариш. – Т.: Адолат, 2000.424-бет; Беляевский И.К. Маркетинговое исследование: информация, анализ, прогноз: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2004.205-бет; Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент: Экспресс-курс / Пер.
6. Малхотра Н.К. Маркетинговые исследования. Практическое руководство / 4-е изд.; Пер. с англ. – М.: ООО "Вильямс", 2007. 67-бет.
7. Фоксал Г. Психология потребителя в маркетинге / Пер. с англ. под ред. И.В. Андреевой. – СПб.: Питер, 2001. 29-бет.



**MARKAZIY OSIYO MINTAQALARIDA TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA
BUGUNGI KUNDA MAVJUD MUAMMO VA YECHIMLAR.**

Karimova Aziza Abduvaxob qizi,
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiti
magistr
Телефон: + 998909113171
Aziza.karimova.9393@mail.ru

ANNOTATSIYA: Turizm mamlakat iqtisodiyoti va shu hududda istiqomat qiluvchi aholi turmush farovonligini oshiruvchi eng serdaromad tarmoqlardan biri hisoblanadi. Asosiy iqtisodiy muammo hisoblangan ishsizlik muammosini hal qilishga o'zini ijobiy samarasini ko'rsatadi. Turizm yangi ish o'rinlari yaratish, mamlakat yalpi ichki mahsulotining yalpi ichki maxsuloti o'sishi, savdo va eksportning ortishiga ta'sir ko'rsatadi.

KALIT SO'ZLAR: YAIM, turistik tashkilot, eksport, savdo.

Кириш: Turizm sohasi eng serdaromad sohalardan biri hisoblanadi. Bizda ham bu kabi yuqori ko'rsatkichlarga erishish maqsadida bugungi ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. 2022 yil 15 yanvardagi “Turizm, madaniyat, madaniy meros, va sport soxalarini yanada rivojlantirish uchun qo'shimchasharoitlaryaratish to'grisida” gi PF-52-son Farmoni hamda BMT Bosh Assambleyasining “Markaziy Osiyoda barqaror turizm va barqaror rivojlanish” nomli rezolyutsiyasini qabul qilish tashabbusi ilk bor O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan O'zbekistonda ishlab chiqilgan mazkur hujjat BMTga a'zo barcha davlatlar tomonidan bir ovozdan maqullandi. [1] O'zbekiston Respublikasida turizmni milliy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish, aholining daromadlari va turmush darajasini oshirish, mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishni ta'minlovchi strategik tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo'yicha kompleks chora tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Turizm sohasini rivojlantirish va sayyohlar sonini oshirish borasida sifatida takliflarim quyidagicha:

- Turizm sohasini rivojlantirishni asosiy maqsadi sifatida turizm sohasiga iqtisodiyotning asosiy strategik sohalaridan biri sifatida qarash ;

- Turistik xizmatlar sifatini oshirish hamda turistik infratuzilmani zamon talablari darajasida takomillashtirish shu jumladan xorijiy sarmoyalarni jalb qilish va samarali reklama-marketing ishlarini olib borish evaziga takomillashtirishda yuqori ko'rsatkichlarga erishish, turizm, madaniy meros va muzeyshunoslik sohalarida xalqaro standartlarga mos uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish;

- Turizm sohasida faoliyat yuritmoqchi bo'lgan tadbirkorlarga imtiyozli kreditlarni berish hamda yer oldi-berdi ishlari yengillashtirilib, jahon andozalariga javob beradigan mehmonxonalar sonini ko'paytirish, shu orqali raqobatni kuchaytirish, mehmonxona narxlarini arzonlashtirish. [2]

- **Xulosa:** O'zbekiston qulay iqlim sharoiti, boy tabiiy, tarixiy va madaniy merosi ko'plab turistlarni yurtimizga qiziqishini oshiradi biz esa bu mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanishimiz va turistik soha tarmog'ini yanada rivojlantirishimiz turistlar uchun qulay sharoitlar yaratishimiz, turistik jozibadorlikni oshirishimiz lozim [3]. Biz bu tarixiy merosimizni asrab doim unga hurmat nazari bilan qarashimiz lozim. Tarixiy maskanlarimizda obodonlashtirish, ko'kalamzorlashtirish ishlarini olib borishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati.

1 O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 15 yanvardagi “Turizm, madaniyat, madaniy meros, va sport soxalarini yanada rivojlantirish uchun qo'shimcha sharoitlar yaratish to'grisida” gi PF-52-son Farmoni.

2. Tukhliev I.S., Sobirov B. Ways to Increase the Competitiveness of Tourism Services Through the Application of Digital Technologies in Uzbekistan. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME13, June 2021. 25-30 Pages

3 Yakubov Sh.Sh. Markaziy Osiyo mintaqasida turizmni rivojlantirish istiqbollari: muammo va yechimlar – Qarshi: «Intellekt» nashriyoti, 2022 yil, 12-16 Betlar

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000